

## ECONOMIC SECURITY: ECONOMIC ASPECTS AND DEVELOPMENT FUNDS

Karimov Norboy Ganievich<sup>1</sup>  
Farida Khamidova<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Head of the Quality Control Inspection at the Tashkent State Economic University, doctor of economics, professor  
Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49

<sup>2</sup>Docent Tashkent Financial Institute, candidate of economic sciences  
Uzbekistan, 100000, Tashkent, A.Temur Street, 60A

E-mail: [norboy.karimov@gmail.com](mailto:norboy.karimov@gmail.com)

**Abstract:** The article analyzes current economic security issues in detail. The essence of economic security is theoretically detailed and economically sound. In order to implement the economic security strategy, it is necessary to develop a mechanism for its execution.

**Keywords:** national economy, economic security, inflation, crisis, national economy, economic growth, dynamic development, supply and demand, money depreciation, shadow economy, economic relations, information communication, government policy, budget deficit.

## ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК: ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА МУСТАҲҚАМЛАШ ОМИЛЛАРИ

Каримов Норбой Ғаниевич<sup>1</sup>  
Фарида Хамидова<sup>2</sup>

<sup>1</sup>Тошкент давлат иқтисодиёт университети Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиғи, и.ф.д., профессор  
Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси, 49

<sup>2</sup>Тошкент молия институти доценти, и.ф.н.  
Ўзбекистон, 100000 Тошкент шаҳри А.Темур кўчаси 60А

E-mail: [norboy.karimov@gmail.com](mailto:norboy.karimov@gmail.com)

**Аннотация:** Мақолада иқтисодий хавфсизликнинг долзарб масалалари тафсилотли тарзда таҳлил этилган. Иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти назарий жиҳатдан ўрганган ва унинг аҳамияти иқтисодий нуқтаи-назардан тавсифланган. Иқтисодий хавфсизлик стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш учун уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш зарурлиги белгиланган.

**Калит сўзлар:** миллий иқтисодиёт, иқтисодий хавфсизлик, инфляция, инқироз, мамлакатлар иқтисодиёти, иқтисодий ўсиш, динамик ривожланиш, талаб ва таклиф, пулнинг кадрсизланиши, яширин иқтисодиёт, иқтисодий муносабатлар, ахборот алмашинуви, давлат сиёсати, бюджет тақчиллиги.

### Кириш

Ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти унинг иқтисодий хавфсизликка бўлган эҳтиёжини ошириб боради. Бироқ, давлатнинг хавфсизликка бўлган эҳтиёжининг паст даражада қондирилиши жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, алоҳида иқтисодиёт тармоқларида инқирозли ҳолатларни келтириб чиқаради, баъзи ҳолларда эса уларни янада чуқурлаштиради.

Бозор шароитида иқтисодий хавфсизлик ҳозирги иқтисодий назариянинг бир тури сифатида ўз предмети ва махсус тадқиқот усулларига эга. Бироқ, у мустақил бўлишига қарамай, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимнинг барқарорлиги каби анъанавий тушунчалар билан узвий боғлиқ. Дарҳақиқат, иқтисодий ўсиш, бошқа мамлакатлар иқтисодиётига мувофиқ динамик ривожланиш бўлмаса, мамлакат иқтисодиёти барқарор бўла олмайди. Иқтисодиёт ривожланмас экан, ташқи ва ички таҳдидларга муносиб жавоб ҳам бўлмайди, яъни оғир вазиятларда иқтисодиётнинг жон сақлаш қобиляти мавҳум бўлади.

Ўзбекистон ва унинг ҳудудларини самарали ривожлантиришнинг инкор этиб бўлмас шартларидан бири – иқтисодий хавфсизлик учун курашишнинг самарали механизмини яратишдир. Яширин иқтисодиётга қарши кураш жараёнларининг ижобий йўналишларини белгилаш учун эса ҳуқуқ-тартибот органларининг назорати ва таъсир этиш механизмлари талаб этилади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши ўз навбатида иқтисодий хавфсизликнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Миллий иқтисодиётимизда хуфёна иқтисодиёт салмоғининг катталиги, иқтисодий хавфсизлик индикаторларининг чегаравий қийматларига амал қилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги каби муаммолар ушбу йўналишда тадқиқот олиб боришни долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ижроия органларда фаолият юритадиган янги ижтимоий, иқтисодий, институционал ва технологик муҳит иқтисодий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги анъанавий ишлаш усуллари самарадорлигини ниҳоятда пасайтириб юборди. Хўжалик субъектларининг турли-туман ва мустақиллиги, жисмоний ва юридик шахсларни рўйхатга олишнинг соддалаштирилиши, фуқаролар ва ташкилотларнинг назорат қилинмайдиган коммуникациялари, иқтисодий фаолият эркинлиги, миграция жараёнларини назорат қилишдаги қийинчиликлар нафақат зарур бўлган тезкор ахборот олишни қийинлаштирди, балки ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар амал қилиши учун расмий талабларни бузишга қаратилган ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этиш имкониятларини ҳам кенгайтириб юборди.

Шунингдек сўнгги йиллардаги аксарият тадқиқотлар шундан далолат берадики, бугунги кунда аксарият жиноятлар у ёки бу тарзда иқтисодий муносабатларга боғлиқ. Кўпгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ҳали ахборот технологиялари, турли идоралар, ҳудудий ҳокимият органлари, корпоратив ва ижтимоий тузилмаларнинг тизимли маълумотларидан фойдаланиши янги сифат даражасига кўтарилмаган. Турли идоравий мансубликдаги йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот тизимлари ва ахборот алмашинувининг ҳар хил формати ва протоколларига эга бўлиб, кўпинча бир-бирига мос келмайди, тарқоқ бўлади, шунингдек, улар ўртасида энгиб бўлмас ташкилий чекловлар мавжуд.

Мамлакатимизда иқтисодий хавфсизлик йўналишидаги тадқиқотларнинг сустиги ҳам ушбу тушунчанинг мазмун моҳиятини кенг оммага очиб бериш ва аниқ стратегиялар қабул қилишга тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу мақоланинг мақсади ҳам иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва иқтисодий аҳамияти нуқтаи-назардан тавсифлаш ҳамда иқтисодий хавфсизлик стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш учун уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Аксарият муаллифлар иқтисодий хавфсизликни иқтисодий тизимнинг ташқи ва ички омиллар таъсирига барқарорлиги деб таърифлайдилар, барқарорлик эса унинг ривожлантирилишини тақозо этади. Барқарорлик ва ривожланиш иқтисодий

хавфсизлик муаммосига динамик ёндашувни тақозо этади. Шунингдек, иқтисодий хавфсизлик индикаторлари вақт ўтгани сайин ўзгариши мумкин.

Иқтисодий хавфсизликнинг мавжуд талқинларини бир нечта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Чунончи, “иқтисодий жиноятчилик” тушунчаси мамлакат хўжалигини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи шарт-шароитларнинг йиғиндиси сифатида талқин этилади (Л. Абалкин ва бошқ.)<sup>1</sup>; бу тушунча мамлакат иқтисодиётининг унинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берадиган ҳолати билан боғланади (В. Сенчагов, Г. Гутман ва бошқ.)<sup>2</sup>; иқтисодиётнинг миллатлар ва халқаро даражада ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондира олиши назарда тутилади (А. Городецкий, А. Архипов ва бошқ.)<sup>3</sup>.

Мамлакатимиз олимларидан Х. Абдулқосимов<sup>4</sup>, А.Э.Ишмуҳаммедов<sup>5</sup>, Д.Ортиқовалар<sup>6</sup> иқтисодий хавфсизлик бўйича тадқиқот олиб бориб, ўзларининг ўқув қўлланмаларини чоп эттиришган. Хусусан Д.Ортиқованинг 2010 йилда чоп эттирилган “Иқтисодий хавфсизлик” ўқув қўлланмасида[4] мамлакат иқтисодий хавфсизлиги масалалари, унга бўладиган таҳдидлар, унинг кўрсаткичлари, мезонлари ва қўйи чегаравий миқдорлари тўғрисида тасаввурлар берилди. Унда глобаллашув жараёнларининг мамлакатлар иқтисодий хавфсизлигига таъсири, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда регионал ташкилотларнинг ўрни ва роли, терроризм, хуфиёна иқтисодиёт, коррупция ва уларнинг иқтисодий хавфсизликка таъсири масалаларига алоҳида ўрин берилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Ушбу мақоланинг методологиясини абстракция, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий, динамик қатор, назарий талқин ва таҳлилий услублардан фойдаланилган. Хусусан абстракция ёрдамида, Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизлик ва уни таъминлаш юзасидан ўрганишлар натижасида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилади, динамик қатор таҳлили ўз навбатида иқтисодий хавфсизликнинг чегаравий кўрсаткичлардан бири мамлакат ялпи ички маҳсулотини (кейинги ўринларда ЯИМ) ўсиш ҳажми ва бошқа таҳлиллар асосида хулоса беришда фойдаланилган, шу билан бир қаторда библиографик ўрганиш натижасида “иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси пайдо бўлиш омиллари ва зарурати аниқланган.

#### **Таҳлил ва натижалар**

«Иқтисодий хавфсизлик» атамаси нисбатан яқинда пайдо бўлган. Иккинчи жаҳон урушигача асосан «мудофаа», «мудофаа қобилияти» атамаларидан фойдаланилган. 1974 йилда АҚШда “Миллий хавфсизлик тўғрисида” қонун қабул қилиниб, мамлакат президенти ҳузурида Миллий хавфсизлик кенгаши ташкил этилди. Кенгашга нафақат ташқи, мудофаага боғлиқ масалалар, балки иқтисодий сиёсат масалалари ҳам топширилган.

Собиқ Иттифоқда «иқтисодий хавфсизлик» атамасига иқтисодий тоифалар тизимида қаралмаган, режалаштириш эса бозор кучларининг кўр-кўрона ўйини эмас, балки одамларнинг онгли фаолияти деб тушунилган. Шунинг учун ҳам инфляция каби ҳодисалар бутунлай истисно этилган. Муаммони ўрганиш 1993 йилда Россия Федерацияси иқтисодий хавфсизлиги концепциясини ишлаб чиқишдан бошланган.

<sup>1</sup> Абалкин Л. Экономическая безопасность России. Угрозы и их отражение // Вопросы экономики. — 1994. — № 12.

<sup>2</sup> Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: Производство, финансы, банки / - М.: Финстатинформ, 1998

<sup>3</sup> Архипов А., Городецкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики. 1994. № 12. С. 36–44.

<sup>4</sup> Абдулқосимов Х. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш ва академияси, —Т.:Akademiya, 2012.

<sup>5</sup> Ишмуҳаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик (Ўқув қўлланма)-Т: ТДИУ, 2004 - 176 бет.

<sup>6</sup> Д.Ортиқова“Иқтисодий хавфсизлик” (Ўқув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2010. 150 бет.

Тадқиқот давомида шахс, жамият ва давлатни қандай қилиб ўз-ўзини парчалаш ва ички инқирозлардан ҳимоя қилиш, иқтисодий тизим тузилмаси қандай бўлиши керак, мавжуд қарама-қаршиликлар эволюцион ўзгаришлар йўли билан қандай ҳал қилиниши сингари муҳим масалалар ечими изланди.

“Иқтисодий хавфсизлик” тушунчаси давлат мақсадларинигина эмас, балки алоҳида шахс ва умуман жамият манфаатларини ҳам акс эттиради. Аммо бир сўз билан айтганда, унинг асосий объекти “шахс, жамият ва давлат манфаатлари” эмас, балки фуқаролар, уларга хос турмуш тарзи ва ҳудудлар бўлиши керак. Фақат турмуш тарзи ва ҳудудларнинг сақланиши аҳоли сақланиши ва кўпайиши учун зарур физиологик эҳтиёжлар қониқтирилишини кафолатлайди, шунингдек, унинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари ҳам қондириладики, бусиз шахс, жамият ва давлатнинг ўз-ўзини намоён қилиши, ривожланиши ва ҳар томонлама камол топишини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, миллий хавфсизлик объектлари, худди шундай, миллий иқтисодиёт мақсадлари ташувчилари (субъектлари) фуқаролар (аҳоли)дир.

Фикримизча, иқтисодий хавфсизлик динамик назариядан келиб чиқиб қаралиши керак, бунда вақт омили унинг ўзгарувчан параметрларига таъсир кўрсатади.

Иқтисодий хавфсизликка – иқтисодиётни инқирозга қарши бошқариш компоненти сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Турли ҳолатдаги ва давомийликдаги иқтисодий инқирозлар – бу ҳар қандай кўп ўқладли иқтисодиёт оқибатидир. Инқирозлар талаб ва таклиф ўртасида узилишнинг кучайишида, пулнинг қадрсизланиши, яшаш қийматининг ўсиши, ишсизлик, яъни макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ёмонлашишида ифодаланиши мумкин.

Иқтисодий хавфсизлик анча мураккаб ички тузилмага эга. Ундаги ҳақиқий жараёнлар ҳамда ушбу муаммони ҳал қилишнинг маҳаллий ва хорижий тажрибасини таҳлил қилиш унинг учта сифат тавсифини ажратиш имконини беради:

1) Иқтисодий мустақиллик – жаҳон хўжалиги шароитида у мутлақ тусга эга эмас. Халқаро меҳнат тақсимоти миллий иқтисодиётларни бир-бирига боғлаб қўяди. Бундай шароитда иқтисодий мустақиллик давлатнинг ўз миллий ресурсларини назорат қила олиши, унинг жаҳон савдоси, кооперацион алоқалар ва илмий-техника ютуқлари билан алмашилишида рақобатбардошлиги ва бошқалар билан тенг ҳуқуқда иштирок эта оладиган ишлаб чиқариш даражасига эришганлигини англатади;

2) Миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги ва турғунлиги – бу мулкчиликнинг барча шакллари муҳофаза қилиш, тадбиркорлик фаоллиги учун ишончли шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш, вазиятни беқарорлаштирувчи омилларни жиловлаб туриш (иқтисодиётдаги жиноий тузилмаларга қарши курашиш, даромадларни тақсимлашда ижтимоий силсилаларни келтириб чиқарадиган жиддий узилишларга йўл қўймаслик ва ҳ.к.) назарда тутати;

3) Ўз-ўзини ривожлантириш қобилияти – бу айниқса уйғун ривожланиб бораётган ҳозирги даврда муҳим. Инвестициялар ва инновациялар учун қулай муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни доимо модернизациялаш, ходимлар умумий касбий ва маданий даражасини ошириб бориш миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини ва умуман ўзини сақлашнинг зарур ва мажбурий шarti ҳисобланади.

В.К. Сенчагов иқтисодий хавфсизлик тузилмасида етита блокни ажратади, булар[1]:

- 1) миллий хавфсизлик концепцияси ва стратегияси;
- 2) иқтисодиёт соҳасидаги миллий манфаатлар;
- 3) иқтисодиёт соҳасидаги таҳдидлар;
- 4) иқтисодий хавфсизлик индикаторлари;

- 5) иқтисодий хавфсизлик и индикаторларининг чегаравий қийматлари;
- 6) иқтисодий хавфсизликнинг ташкилий тузилмаси;
- 7) иқтисодий хавфсизликнинг ҳуқуқий таъминоти.

Миллий хавфсизлик концепцияси мамлакатнинг геосиёсий роли ва глобал хавфсизлиги, миллий манфаатлар, миллий манфаатларга ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига нисбатан таҳдидлар ва хатарларни ҳисобга олади.

Мамлакатнинг иқтисодийёт соҳасидаги миллий манфаатлари – давлатнинг шахс, жамият ва ўзининг ҳимояланганлиги ва барқарор ривожланишини таъминлашдаги ички эҳтиёжлари йиғиндиси. Мамлакатнинг миллий манфаатлари иқтисодийётнинг кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш режимида амал қила олишини; давлатнинг рақобатбардошлигини; аҳоли фаровонлиги ва турмуши сифатини оширишни; молия-банк тизими барқарорлиги; ташқи савдонинг оқилона тузилмаси; қайта ишлаш саноат маҳсулотларининг ташқи бозорларга чиқиши; ички эҳтиёжларни импорт ҳисобига қониқтиришнинг энг юқори даражаси; илмий-техник тараққиётнинг стратегик муҳим йўналишларида мамлакат мустақиллиги; яхлит иқтисодий ҳудудни сақлаш; жамиятнинг жиноийлашувини истисно этадиган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши; иқтисодийётнинг самарадорлиги мезонларига жавоб берадиган ва уни ривожлантиришнинг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлайдиган давлат бошқаруви мавжудлигини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, аён бўлдики, иқтисодий хавфсизлик – бу мамлакат миллий хавфсизлигининг таркибий ва ажралмас қисмидир.

Янада аниқроқ ёндашув иқтисодий хавфсизликнинг моҳиятини иқтисодийёт ва ҳукумат институтларининг ҳаттоки ноқулай ички ва ташқи жараёнлар ривожланиши шароитида миллий манфаатлар, сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, етарлича мудофаа салоҳиятининг кафолатли ҳимоясини таъминлайдиган ҳолати сифатида белгилайди[1]. Бунда давлатнинг иқтисодий хавфсизликни таъминлаш механизмларини яратишга тайёрлиги мужассамдир.

Ўз мазмунига кўра иқтисодий хавфсизликка статик ёндашув юзасидан қаралади, аммо статиклик қандайдир қотиб қолган объектга қаралаётганидан далолат бермайди. Ҳаракат, фаоллик бу тизимга хос бўлиб, бунда тизим ўзининг ўзгармас қиёфасида такрорланади. Бироқ Ўзбекистонда жиддий ва турли-туман ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз бермоқда, шунинг учун иқтисодий хавфсизлик динамик ёндашувдан келиб чиққан ҳолда қаралмоғи керак. Иқтисодийётнинг такрор ишлаб чиқарувчи модели заиф ривожланган мамлакатлардагидек ўзгаради – бу иқтисодий хавфсизлик тизимидаги асосий компонент. Бундай қарор топган модель иқтисодийётдаги барча ютуқларга қарамай, мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига қўшмайди.

Давлатнинг иқтисодий тизими, умуман олганда, иқтисодий хавфсизлик объектидир; иқтисодий хавфсизлик субъекти – бу қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти органлари.

*Иқтисодий ривожланиш хавфсизлиги чегаралари.* Иқтисодий хавфсизлик ҳолати иқтисодий тизим фаолиятининг чегаравий ўлчамларини белгилайдиган объектив мезонлар ва индикаторлар тизими билан баҳоланади. Ушбу ўлчамлар чегарасидан чиққанда тизим динамик ривожланиш қобилияти, ташқи ва ички бозорлардаги рақобатбардошлигини йўқотади, трансмиллий корпорациялар экспансияси объектига айланади, мамлакат миллий бойлигининг ичкари ва ташқаридан талон-тарож қилиниши, коррупциядан азият чекади.

Давлат сиёсатини (масалан, инқирозга қарши чораларни) ишлаб чиқиш учун иқтисодийётни сифат жиҳатдан тавсифлашдан ташқари, хавфсиз ривожланиш



чегараларини миқдорий белгилаш ҳам талаб этилади. Иқтисодий хавфсизлик мезони иқтисодиёт ҳолатини баҳолаш имконини беради.

Иқтисодий хавфсизлик кўрсаткичлари тизимида қуйидагилар ажратилади:

- 1) турмуш даражаси ва сифати;
- 2) инфляция суръатлари;
- 3) ишсизлик меъёри;
- 4) иқтисодий ўсиш;
- 5) бюджет тақчиллиги;
- 6) давлат қарзи миқдори;
- 7) олтин-валюта захиралари ҳолати;
- 8) яширин иқтисодиёт фаолияти;
- 9) экологик вазият.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлиги заифлашишига маълум чегарагача йўл қўйиш мумкин. Кўрсаткичларнинг ўзи эмас, чегаравий қийматлари муҳим аҳамиятга эга. Умумэътироф этилишича, чегаравий қиймат – риоя қилинмаслик оқибатида такрор ишлаб чиқариш элементларининг нормал ривожланишига тўсқинлик қиладиган, иқтисодий хавфсизлик соҳасида қўпуровчи тенденциялар келиб чиқишига олиб келадиган қийматдир.

Шу ўринда иқтисодий хавфсизлик муҳим кўрсаткичлардан бири мамлакат ялпи ички маҳсулотини (кейинги ўринларда ЯИМ) ўсиш хажми ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улушидир. Агар биз мамлакатимизда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМни ишлаб чиқариш динамикасига эътибор берсак, у 1-жадвалда келтирилган маълумотлар билан ифодаланади.


#### 1-жадвал

#### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМни ишлаб чиқариш<sup>7</sup>

|  | Млрд.сўм         |                  | 2016 й.<br>га<br>нисбатан<br>% да | ЯИМ<br>ўсишида<br>тармоқ-<br>ларнинг<br>ҳиссаси, %да |
|--|------------------|------------------|-----------------------------------|--|
|  | 2016 й.          | 2017 й.          |                                   |  |
| <b>I. ЯИМ</b>                                  | <b>198 871,6</b> | <b>249 136,4</b> | <b>105,3</b>                      | <b>5,3</b>   |
| <i>шу жумладан:</i>                            |                  |                  |                                   |  |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати            | 178 053,1        | 223 829,8        | 105,3                             | 4,8  |
| Маҳсулотларга соф солиқлар                     | 20 818,5         | 25 306,6         | 105,3                             | 0,5  |
| <b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b> | <b>178 053,1</b> | <b>223 829,8</b> | <b>105,3</b>                      | <b>5,3</b>   |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги                | 32 276,8         | 43 149,8         | 102,0                             | 0,4  |
| Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)                | 58 546,0         | 74 876,1         | 104,8                             | 1,5  |
| саноат   | 45 398,0         | 59 650,9         | 104,6                             | 1,1  |
| қурилиш  | 13 148,0         | 15 225,2         | 105,6                             | 0,4  |
| Хизматлар                                      | 87 230,3         | 105 803,9        | 106,9                             | 3,4  |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар     | 19 833,2         | 25 773,9         | 103,9                             | 0,4  |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа              | 21 113,0         | 24 553,2         | 108,9                             | 1,1  |
| бошқа хизмат тармоқлари                        | 46 284,1         | 55 476,8         | 107,3                             | 1,9  |

<sup>7</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий ўсиш суръати миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 89,8 фоизини ташкил этди ва 5,3 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 4,8 % пунктни ташкил этди). Маҳсулотлар учун соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 10,2 % ни ташкил этди ва ЯҚҚ каби 5,3 % даражада ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 0,5 % пунктни ташкил этди).



**1 – Расм. 2017 йил учун ЯИМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари (%)<sup>8</sup>**

1-расм маълумотларидан кўринадики, ЯИМ ўсиш суръатига хизматлар соҳаси энг катта таъсир кўрсатган ва бу соҳа ўтган йилга нисбатан 6,9 фоизга ошган. Жумладан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 3,9 фоизга (ЯИМ таркибидаги улуши - 11,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 8,9 % га (11,0 %) ва бошқа хизматлар – 7,3 % га (24,8 %) ўсган.

Саноат тармоғининг қўшилган қиймати 4,6 % га ўсган ва ЯИМ таркибидаги улуши 26,7 % ни ташкил этган. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлақ ўсиши суръатига ижобий таъсири 1,1 % пункт даражасида баҳоланган. Саноат тармоғидаги ўсиш асосан тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш (114,6 %) ва ишлаб чиқарадиган саноат (102,8 %) қўшилган қийматларининг ўсиши ҳисобига таъминланган (2-жадвалга қаранг).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида 71 фоиздан ошиғини ишлаб чиқарадиган саноат ташкил этади. Умуман олганда иқтисодий хавфсизлик индикаторларининг чегаравий қиймати нуқтаи назардан бу жудаям ижобий кўрсаткич ҳисобланади.

Муҳими, ҳокимият институтлари томонидан олиб бориладиган иқтисодий хавфсизлик сиёсати бутун кўрсаткичлар мажмуасини сақлаб туришга қаратилган

<sup>8</sup> Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланди

бўлиши, битта кўрсаткичнинг чегаравий қийматига бошқаларининг зарари эвазига эришилмаслиги керак.

## 2-жадвал

### Саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

|  | 2016 й. | 2017 й. | Физик ҳажм индекси, % |
|--|---------|---------|-----------------------|
| Саноат                                 | 100,0   | 100,0   | 104,6                 |
| <i>шу жумладан:</i>                    |         |         |                       |
| тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 15,2    | 19,6    | 114,6                 |
| ишлаб чиқарадиган саноат               | 74,8    | 71,4    | 102,8                 |
| саноатнинг бошқа тармоқлари            | 10,0    | 9,0     | 102,6                 |

Масалан, нефтни экспорт қилиш ҳисобига ЯИМ ўсишини анча ошириш мумкин. Нефть қазиб олишнинг ривожланмаслиги ички бозорга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса муқаррар равишда товар ва хизматлар таннархининг ошиши ва оқибатда нархларнинг ўсишига олиб келади. Давлат ҳар бир иқтисодий самарадорлик ва хавфсизликни ўзаро мувофиқлаштириши лозим, аммо қисқа муддатда фойдали бўлган нарса стратегик жиҳатдан мутлақо фойдасиз бўлиши мумкин.

*Ташқи ва ички таҳдидлар.* Объектив тарзда ҳар қандай иқтисодий тизим ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган ташқи ва ички таҳдидларлардан кафолатланмаган. Яхши ривожланмаган, рақобатбардош бўлмаган ички бозор импортни ошириб юборади ва бунинг оқибатида, ташқи қарздорлик кўпаяди.

Ташқи таҳдидларга қуйидагилар киради:

- 1) юқори ташқи қарздорлик;
- 2) экспортнинг хомашёга йўналтирилганлиги;
- 3) ташқи савдо айланмаси ҳажмларининг катта эмаслиги, айниқса қайта ишлаш саноати маҳсулоти соҳасида.

Ички таҳдидлар ичида ижтимоий ва илмий-техник соҳаларда юзага келадиган тенденциялар, айниқса, аҳолининг тўловга қобилиятли талабининг пасайиши энг катта хавфни туғдиради. Иқтисодий ўсишнинг тикланиши истеъмол секторида ҳам, инвестиция секторида ҳам тўловга қобилиятли талабни тиклашни тақозо этади. Шу ерда ўзига хос “тўловга қобилиятли тузоқ” юзага келади. Тўловга қобилиятли талабнинг пастлиги кўплаб ишлаб чиқариш турларининг йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Ҳаддан ортиқ тўловга қобилиятли талаб нархларнинг ошишига сабаб бўлиб, пул эмиссиясига босимни кучайтиради ва шу тариқа инфляцияни оширади.

Маълумки, 1 млрд. миқдоридаги эмиссион пуллар инфляцияни 1 фоизга оширади. Шу боис давлат томонидан тартибга солиш ёрдамида аҳоли тўловга қобилиятли талабининг мақбул тузилмасини яратиш керак. Ушбу муаммонинг давлат томонидан тартибга солинишида аввало у ёки бу ижтимоий гуруҳлар тўлов қобилиятидаги чуқур фарқларни ҳисобга олиш керакки, юқори, нисбатан ўрта ва паст нархдаги товарлар ҳам етарлича бўлиши керак.

Бюджет танқислигини қисқартириш –инфляцияни пасайтирувчи воситалардан бири, аммо таркибий ва самарали саноат сиёсатсиз бюджет танқислигини қисқартириш ижобий натижаларга олиб келишига тўлиқ ишонч ҳосил қилиб



бўлмайди (айниқса узоқ муддатли истиқболда). Агар талаб таклифдан ошиб, пул массаси капитал ва товар массасини такрор ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган даражадан юқори суръатларда ошиб борса, нархларнинг ошишига шарт-шароит яратилиб, иқтисодиёт танқислиги юзага келади.

Нархлар ўсишини жиловлаш мақсадида марказий банк дастаклари ёрдамида пул массаси ўсишини сунъий сақлаб туриш тўловсизликлар инқирозини келтириб чиқаради.

Инфляцияга қарши курашнинг мураккаброқ ва кўп омилли усули ишлаб чиқариш чиқимлари ва нархларни барқарорлаштиришдир. Нархлар эркинлаштирилгандан кейин, ишлаб чиқариш ва айланмани барқарорлаштирамасдан, шунингдек, меҳнат унумдорлигини оширмасдан нархларни барқарорлаштириб бўлмаслиги очиқ кўриниб қолди. Қарор топган такрор ишлаб чиқариш моделининг у ёки бу қисмидаги камчиликларни кўрсатиш ва уларни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Давлат томонидан тартибга солишнинг вазифаси нархларнинг ўсишига олиб келадиган омилларни бартараф этишдан иборат бўлади.

Давлат эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар рўйхатини тузиш учун давлат қўмагига муҳтож аниқ корхоналар белгилаб олинади ҳамда қабул қилинадиган қарорларга таъсир кўрсата олиш учун назорат пакети ёки “олтин акция”си давлат қўлига бериладиган хўжалик юритувчи субъектлар ажратилади.

*Иқтисодий хавфсизлик стратегияси.* Иқтисодий тизимнинг нормал ишлаши учун қисқа ва узоқ муддатли давр учун иқтисодий хавфсизлик стратегияси керак. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича, ҳозирги пайтда асосийси – иқтисодиётнинг жон сақлаши, кейин уни барқарорлаштириш ва фақат истиқболдагина ривожлантириш. Ушбу стратегиянинг негизида “бозорнинг қудратли қўли” ҳақида тасаввур ётади. Бундай тасаввур эътиборга лойиқ бўлиб, иқтисодиёт нуқтаи назаридан у назарий асослангандир. Бироқ бундай иқтисодий сиёсатни олиб борганда давлат ва аҳолининг сарф-харажатлари қандай бўлади?

Америкалик иқтисодчи, Нобель мукофоти совриндори В. Леонтьев таъбири билан айтганда, бозор ва тадбиркорлик – бу “иқтисодиётнинг елканлари” бўлиб, кемани руль билан бошқармасдан синаб кўришлар ривожланиш йўналишини ва траекториясини жуда узоқ вақт излайди. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик стратегияси авваламбор миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, иқтисодий хавфсизлик – бу мамлакат иқтисодий мустақиллиги, самарадорлиги ва рақобатбардошлигига асосланган ташқи ва ички хавфдан аҳоли, жамият ва давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимояланганлик ҳолатини ўзида акс этувчи иқтисодий категориядир.

Иқтисодиёт бозор моделининг давлат томонидан тартибга солиниши хавфсизлик манфаатлари нуқтаи назаридан ўз-ўзини тартибга солиш механизмларини бузмаслиги, шунингдек, ушбу механизмларнинг самарали ишлаши учун шароитлар яратиши лозим.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизми – бу иқтисодий таҳдидларнинг олдини олиш бўйича ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимидир. У қўйидаги элементларни ўз ичига олади:

- 1) иқтисодиёт ва жамиятни мониторинг қилиш;
- 2) ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг йўл қўйиладиган ҳуқуқий қийматларини ишлаб чиқиш;
- 3) давлатнинг иқтисодиёт хавфсизлигининг ички ва ташқи таҳдидларини аниқлаш бўйича фаолияти;
- 4) шошилиш фавқулодда ҳолларда қўллаш учун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларидаги моддий захираларни яратиш.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш учун уни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Иқтисодий стратегиянинг мақсади – иқтисодий ўсиш. Ўсиш йўналишлари макроиқтисодий бошқарувнинг ажралмас қисми сифатида таркибий сиёсат доирасида ишлаб чиқилади.

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлик стратегияси муайян шартларга амал қилинганда самарали амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам, фикримизча, қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- 1) давлат бошқаруви бўйича вазифаларни қўйишда республика минтақаларининг ҳудудий ва ижро, шунингдек маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида аниқ чегара қўйиш керак;
- 2) ахборот таъминотида иқтисодиётдаги ҳақиқий ҳолатни акс эттириш;
- 3) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози ва давлат бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш;
- 4) иқтисодий хавфсизлик мақсадларини аниқлаштириш.

## References

1. Abalkin L. Ekonomicheskaya bezopasnost Rossii. Ugroziy i ix otrajenie // Voprosiy ekonomiki. — 1994. — № 12.
2. Abulqosimov X. Davlatning iqtisodiy xavfsizligi. O‘quv qo‘llanma. O‘zbekiston Respublikask Prezidenti huzuridagi Davlat va jamiyat qurilish i akademiyasi, — T.:Akademiya, 2012
3. Arxipov A., Gorodetskiy A., Mixaylov B. Ekonomicheskaya bezopasnost: otsenki, problemiy, sposobiy obespecheniya // Voprosiy ekonomiki. 1994. № 12. S. 36–44.
4. Ishmuhammedov A.E. Iqtisodiy xavfsizlik (O‘quv qo‘llanma)-T-: TDIU, 2004 - 176 bet
5. Ortiqova D. “Iqtisodiy xavfsizlik” (O‘quv qo‘llanma). – T.: TDIU, 2010. 150 bet.
6. Senchagov V.K. Ekonomicheskaya bezopasnost: Proizvodstvo, finansiy, banki / - M.: Finstatinform, 1998.
7. Ekonomicheskaya bezopasnost Rossii: obshiy kurs: Uchebnik / 3-e izd., pererab. i dop. - M.: Binom. Laboratoriya znaniy, 2009
8. Eriashvili N.D. Ekonomicheskaya bezopasnost: Uchebnik / 3-e izd., pererab. i dop. - M.: YUNITI-DANA, 2018
9. [www.stat/uz](http://www.stat/uz) - O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi.